



МУҒХОНА – МУҒ УЙИ – У ҚАНДАЙ ИНШОТ?

Усманова Мукаддам Абдугаппаровна

Наманган вилоят тарихи ва маданияти
давлат музейи илмий ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6570369>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-may 2022

Ma'qullandi: 10-may 2022

Chop etildi: 15-may 2022

KALIT SO'ZLAR

Туркистон
ҳаваскорларининг
археологик тўғараги,
қурум, муғхона, Чодак
қишлоғи, муғ уйи, муғлар.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада ҳаваскорларининг археологик тўғарагининг фаолияти, муғхоналарни очиб ўрганилиши, Чодак қишлоғида олиб борилган археологик изланишлар ва муғхоналар ўрганилишида маҳаллий аҳоли вакиллариининг қўшган ҳиссаси тўғрисида маълумотлар берилган

- Кириш (Introduction)

Фарғона водийсининг қадимги тарихини изчиллик билан ўрганиш, шу жумладан ёдгорлик жойлашган ҳудудларда илмий изланишлар олиб бориш, батафсил ўрганиш, тадқиқ қилиш бошланғич нуқтадир. Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантикий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

–Таҳлил ва натижалар (Analysis and results) Ўрта Осиёдаги археологик ёдгорликларни ўрганиш Россия империяси Туркистонни забт этганидан сўнг, Туркистон ҳаваскорларининг археологик тўғараги (ТҲАТ) томонидан бошланган. Илк бор шарқшунос Н.И.Веселовский томонидан 1884 йил Фарғона водийсидаги ўтроқ аҳоли

маданиятига мансуб ёдгорликлар ва дашт ҳудудларида қурум ва муғхоналар очиб ўрганилган.

1884 йил декабрь ойининг охирида Тошкентга келган Н.И.Веселовский 1885 йил январда қазиш ишлари олиб боради. Шу йилнинг февраль ойида Фарғона водийсига келиб, бу ерда изланишлар олиб боради.

1885 йилнинг 19-20 февраль кунлари Н.И.Веселовский Чодакда 26 нафар ишчилар ёрдамида экспедиция ишлари олиб борган. У ушбу қазишмалар ҳақида қисқача маъруза эълон қилди, лекин буни ўша вақтдаги ўлкашунослар ҳам, олимлар ҳам ўтказиб юбордилар.

Муғхоналар билан боғлиқ бўлган маҳаллий афсоналарни ёзиб олди. Муғхоналар ўрганилиб, уларнинг чизмалари олинди ва тафсилотлари бўйича ҳисоботлар ёзилди. Уларга кўра



муҳоналар бир неча типга бўлиниб, улар турли даврларга хос эканлигини айтилди. Н.Веселовский биринчи бўлиб муҳоналарни қадимги қабрлар қолдиғи эканлигини таъкидлаган эди.

1886 йил В.М.Флоринский томонидан Еттисув яқинида эрамиз бошларига оид мозорқўрғонлар очилган. 1887 йил Н.П.Остроумов инқилобгача бўлган даврда биринчи бўлиб, тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда қазув ишларини ташкил этган. Бу тадқиқот илмий жиҳатдан археологик қазув методларига риоя қилинган илк изланиш бўлган. Шу тарзда рус интеллигенцияси ташаббуси билан Ўрта Осиё ҳудудида жойлашган ёдгорликларни ўрганиш бошланган. 1896 йилда М.С.Андреев "... жуда қизиқ тош турар-жой қолдиқлари, маҳаллий аҳоли орасида "муҳона" номи билан машҳур бўлган узунлиги тахминан 5 аршин (1 аршин 0.71 м) ва эни 2 аришн, кириш тешиги тахминан 1 кв аршин, кўпол тошлардан ясалган деворлари жуда қалин иншоотларга дуч келдик. Бу иншоотлар қуришда ёғоч ҳам, цемент ҳам ишлатилмаган. Бу уйларда аҳоли менинг фикримча бу минтақага араблар кириб келишидан олдин яшаган", деб ёзади. Ўлмас Баҳромзоданинг "Чодак тарихидан лавҳалар" китобида кўрсатилишича, ўтмиш замонларда Чодак ва унинг атрофида зардуштийлар яшаган. Улар паст бўйли, чаққон кишилар бўлиб, дарахтдан дарахтга енгил сакраб ўта олишган, озиқ-овқатлари мева-чева бўлган. Қишлоқ атрофида улардан эсдалик бўлиб жуда кўп муҳоналар сақланиб қолган.

Муҳона текис тошлардан чодир шаклида қурилган уй бўлиб, тепа учи

тешик, жануб қисмида тош йўлак ва эшик бор. Унга саккиз – ўн киши бемалол сиғиши мумкин. Аслида бу тош уй қабила бошлиғининг хонақоси бўлган. Хонақонинг кунчиқар (шарқий) тарафида ўйма хандақ бўлиб, унга марҳумларнинг қуш ва ҳайвонлар томонидан тозаланган суяклари ҳамда уларнинг руҳларига аталган озуқа, қурол-асбоблар, тақинчоқлар қўйилган, сўнг ясси тошлар қопқоқлаб беркитилган. Муҳоналар Сирдарё лабидан Чодак сойи бўйидаги дўнгликларгача ҳар 50 – 60 м оралиқда жойлашган. Қишлоқнинг жанубий қисмидаги муҳоналарнинг деворларини бузиб, уларнинг тошларидан шахсий қурилиш ишларида юртдошларимиз томонидан фойдаланиб келинган. Шимолий қисмда қиру-тоғларда қиёфаси аниқ сақланган муҳоналар ҳали ҳам мавжуд. Ўша давр қурувчилари тошларни шундай усталик билан тахлашганки, орадан минглаб йиллар ўтса-да, хонага бир томчи ҳам сув ўтмаган. Туркистон ҳаваскорларининг археологик тўғарагининг 1898 йил 11 декабрдаги йиғилишида тўғарак аъзоси К.А.Рудановскийнинг хабари ўқиб эшиттирилди. Унинг ёзишича: "Чодак қишлоғи билан Ашт қишлоғи оралиғида жойлашган жарлардан бирининг чеккаси бўйлаб чўзилган майда тош уюмларига эътибор қаратдим. Маҳаллий аҳоли Ашт қишлоғидан Ашоб қишлоғигача бўлган юқори йўл бўйлаб бир бино кўрсатишди. Ўтиш жойи бор эди, шифт сақланмаган, ичи тошлар билан тўлдирилган. Ушбу иншоотлар эгри чизикли кириш йўлагига эга".



К.А.Рудановскийнинг фикрича, бу бинолардан бошқа нарсаси эмас.

Орадан вақт ўтиб М.С.Андреев ва К.А.Рудановскийлар “муғ-хона” ни ўрганишга чақирдилар.

1914 йилда И.А. Кастанье “Monuments cyclope'ens dans le Ferghana” мақоласини чоп этди. Ушбу мақолада М.С.Андреев ва К.А.Рудановскийдан олинган ушбу ёдгорликлар ҳақида умумий маълумотлар мавжуд. Бироқ, у асл маълумотларни ҳам келтиради. У яхши сақланган муғхоналарни батафсил таърифлайди. У шундай хулосага келдики, бу иншоотлар кичик бўлиб, турар жой сифатида хизмат қилишга мослашмаган, шунинг учун маҳаллий ном “муғхона” номи ҳақиқатга тўғри келмайди. Унинг фикрича бу ёдгорликлар оссуриялардир, эхтимол ислом дини кириб келишидан олдин Фарғонанинг қадимги аҳолиси томонидан қурилгандир.

Бу албатта, муаммони ўрганишдаги навбатдаги қадам эди. Афсуски, ушбу мақоланинг мазмуни номаълум бўлиб қолди.

1954-1957 йилларда ўрганиш ишлари жадал олиб борилди. Бу экспедицияларда археологлар Т.И.Зеймал, В.А.Ранов, Е.А.Юркевич, А.Д.Бобоевлар ҳам иштирок этишди.

Чодакда олиб борилган экспедицияларда иштирок этган археолог М.Э. Воронец (1954) у ердаги муғхоналар ҳақида шундай ёзади: “Менинг билишимча, бундай муғхоналар бошқа ҳеч ерда учрамайди”. Ўлмас Баҳромзоданинг сўзларига қараганда, 1957 йилда Чодаклик ўқувчилар билан “Қули Чоркесарон” дўнглигидаги бир муғхонани оҳиста

очиб, жасад атрофидаги сопол идишларни, кўзачалар ва мунчоқ тошларни олишиб, мактабда музей ташкил этишган. Аммо, афсуслар бўлсинки, бу ноёб топилмалар кейинчалик сирли йўқолган музей фаолиятини тўхтатган.

Г.В. Шацкийнинг “Тошдаги суратлар” (“Рисунки на камне”) китобида Чодакдаги Муғ уйларнинг қурилиши, шакли, қурилиш ашёлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Жумладан, Г. В. Шацкийнинг кўрсатишича, қабрларни очиб ўрганиш натижасида аждодларимизни дунёқараши, анъаналари, удумлари ва маданиятини ўрганиш мумкин. Баъзи қабристонлар жуда қадимги бўлмаса-да, археологлар диққатига сазовор бўлиши мумкин. Булар тошдан ясалган Муғхоналардир. Поп, Чуст ва Қурама тоғи этакларида Муғхоналар кўплаб учрайди. Маҳаллий аҳоли бу ёдгорликларга бир неча хил номлар қўйган ва улар тегишли нашрлар саҳифаларига кириб борган.

Кўпинча уларни “хонай-муг” (тожик), “муғхона” ёки “муғ уй” (ўзбек) деб аташади. Чодак қишлоғи худудидаги муғхоналар яхши сақланганлиги билан ажралиб туради. Муғхоналар кўриниши жиҳатидан пастак ўтовларни эслатиб, уларнинг баландлиги 1, 5 м дан 2,2 м гача бўлган. Аммо, айтиш жоизки, хозиргача бус-бутун сақланган иншоотлар камдан-кам. Кўплаб муғхоналарнинг гумбаз қисми тушиб кетган, лекин деворлари бутун. Таг қисмлари доимо думалоқ шаклга эга бўлиб, диаметри 6 – 10 метргача бўлган ва улар жануб ёки шарққа қаратилиб, тик қояларнинг қирғоғига қурилган.



Чодак худудида бундай иншоотлар оралиғи 30 дан 200 метргача бўлиб, 3 – 6 донадан тўп-тўп қилиб қурилган. Муғхона иншооти ажойиб меъморий санъат устакорлиги билан қурилган бўлиб, деворлари 6 қирралик тошлардан тикланган. Бундай тошларни бир одам кўтара олмайди. 30 – 40 см лик майда тошлар асосан деворларни текислашда ишлатилган. Тошлар бир-бирига мустаҳкам бириктирилиб, улар шу ернинг ўзидан олинган, бир неча қатор қурилиб, уларнинг қалинлиги 3,5 метргача бўлиб, гумбазга томон юпқалашиб борган. Баъзи муғхоналарнинг деворлари икки қават бўлиб, орасига майда шағал ташланган. Иншоотлар ҳеч қандай қоришмаларсиз қурилган. Ички хонанинг диаметри 1,5 – 2 м бўлиб, уни япалоқ тошлар билан гумбазсимон қилиб ёпишган. Ташқи дунё билан ички хонани 1 та ёки 2 та узун (60 – 70 см) чок тош елкачалар боғлаб турган. Улар ён бағирликка очилган. Биринчи йўлакча иккинчи йўлакчанинг қаршисида жойлашган бўлиб, бундай ўзига хос мақбараларда подачилик билан шуғулланган қабиаларнинг бошлиқлари кўмилган. Бир неча бузилган муғхоналар ичидан майда сопол кўзачалар ичидан узуклар, камар тўқалари, одам бош чаноқлари топилган. Чодак қишлоғидаги бу иншоотлар ҳақидаги афсонада: илгариги одамлар жуда кучли ва катта бўйли бўлиб, тирноқлари мисдан бўлган, улар чаққон, эпчил, меҳнаткаш бўлиб, уларнинг орасида дангасалар бўлмаган дейилади. Гулжахон Мардонованинг “Истиқлолдан яшнаётган юрт” китобида Фарғона ва

Помир худудларида милоддан аввалги VIII – VI асрларда кўчманчи Сак қабиалари яшагани таъкидлаб ўтилади. Поп туманининг Қурама тоғ тизмасидаги ёдгорликларни ўрганган Б. Литвинский Поп тумани худудларида сакларнинг қурумлар деб аталувчи қабиалари яшаганини ўзининг “Қурумлар ва кўрғонлар” асарида ёзиб ўтган. Ҳозирги Тепакўрғон қишлоғи қабристони ўрнида ҳам аввал тошдан бунёд этилган қурумлар қабристони бўлгани ривоят қилинади.

VIII асрнинг иккинчи ярмида Фарғона водийси ва қурумларнинг ерларини араблар босиб олгач, уларни “муғлар” деб аташган. Қурумлар оловга сиғинишган. Қурумларнинг бирортаси вафот этса, ёқиш одати ҳам бўлган. Бундай қабрлар Мунчоқтепада учрайди. “Муғтепа қабристонлари Чодак ва Чоркесар қишлоқларида кўплаб учрайди. Профессор А. Бернштамнинг “Кўҳна Фарғона” (1951) китобчасида ва газета хабарларида 1947 – 1948 йилларда Наманган вилоятининг Косонсой тумани худудида ўтказилган қазишмалар-нинг натижаларига кўра шу ерда Муғхона топилиб ўрганилганлиги таъкидлаб ўтилади. Муғхона (қурум, муғтош) лар қадимда дастлаб, яъни эрадан аввалги 3 – 2 асрларда оташпарастларнинг қароргоҳи вазифасини ўтаган бўлса, кейинроқ, яъни мелоднинг 5 – 6 асрларида ўтов шаклида тошдан ясалган бундай иншоотлар қабр вазифасини бажарган. Ҳозирги Косонсой шаҳри яқинида илк бор А. Бернштам томонидан топилиб, кейинчалик турли тадқиқотчилар томонидан ўрганилган муғхоналарнинг деворлари синиқ ва юпқа тошлардан



қоришма ишлатилмай овал шаклида (5 х 8,5м) қурилган. Ички хонанинг чиқиш туйнуғи бўлиб, тош-тахта билан беркитилиб қўйилган. Муғхонадан одам суяклари, кўза, тувак, дастали пиёла, пичоқ, қилич, жез ва темир ўқ учи, жез кўзгу, зирак, мунчоқ ва бошқалар топилган. Идишлар қизил ва қора ангоб билан тирнаб ҳошияланган. Мутахассисларнинг фикрига кўра, муғхона топилмалари Шимолий Фарғонанинг ярим ўтроқ қабилаларига мансубдир. Фарғона водийсининг шимолий-ғарбида Косонсой – Чуст – Чодак – то Хўжандгача бўлган ерларда учрайдиган дахмалар – муғхона – тош сағаналарда мурдалар Ўктам қишлоғидаги каби расм-русумларга риоя қилиниб кўмилган (Фарғона шаҳридан жанубда 9 км нарида жойлашган Ўктам қишлоғи

адирлигидаги сағаналарда биз ҳикоя қилаётган даврда яшаган одамлар удумига кўра мархумнинг нариги дунёга бораётган руҳи керакли ҳамма нарсасага эга бўлиши лозим эди).

Тадқиқотчи Б. Литвинскийнинг фикрича, муғхоналарда водийнинг шимолий-ғарбида яшаган аҳолининг дастлабки авлодлари дафн этилган. Уларнинг маданияти Тошкент воҳасидаги аҳолининг маданияти билан ўхшаш бўлиб, ана шу икки туман аҳолиси эҳтимол бир-бирлари билан қариндош-уруғ бўлгандир. Хуллас, Чодак қишлоғидаги муғхоналар археологик асосда тарихий ўрганилиши жиҳатидан ҳали очилмаган қўриқ ҳисобланади. Кўхна Чодакнинг муғ уйлари сирли олами ўз тадқиқотчиларини кутиб ётибди.

References:

1. Тошбоев Ф.Э, Хамраев Ғ.Ғ. Ўзбекистонда археология фанининг ривожига доир (XX асрнинг 20-30 йиллари мисолида). Ўтмишга назар. Т., 2020. -№-2. Б-86
2. Обельченко О.В. К изучению курганных погребений в Средней Азии. ИМКУ.-Т.: 1964. -№ 5. –С.214.
3. Туркестанские Ведомости, 1885, № 2.
4. Н.И.Веселовский, Отчет о работах в Средней Азии, ОАК, 1882-1888, прим.1 С.-221 (в этой же работе он приводит сведения о зафиксированных им курганных могильниках Ташкентской области и в Фергане - стр. 221-222). Материал из раскопок курумов хранится в гос. Эрмитаже.
5. Лунин Б.В. Средняя Азия в научном наследии отечественного востоковедения. Т., 1979.С.44
6. Обельченко О.В. К изучению курганных погребений в Средней Азии// ИМКУ.- Тошкент: 1964, -№ 5. –С.215.
7. М.С.Андреев, доклад 1896 г, -С. 6-7
8. Мирзаалиев Э.Ю. Чодак: тавсифи, тарихи ва васфи. Т.: 2013.-Б. 71.
9. К.А. Рудановский. Доклад. 1897-1898, Ст-. 233-234.
10. Литвинский Б.А. Курганы и курумы западной Ферганы. М.: Наука, 1972. Ст-143
11. Литвинский Б.А. Курганы и курумы западной Ферганы. М.: Наука, 1972. Ст-145
12. Қўлдошев Ш. Поп тонги, 04.04.2008



13. Қосимов Й. Қадимги Фарғона сирлари. Н:, 1992. Б-27